

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги З.М.Бобур номли Андижон
Давлат университети**

**МҒМАХТ ЙЎНАЛИШИ 4 – БОСҚИЧ ТАЛАБАСИ
ЭРГАШЕВ ШАВКАТБЕК**

**И.А.КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ –
ЕНГИЛМАС КУЧ” АСАРИДА МАЪНАВИЯТ
МАСАЛАЛАРИ**

ИЛМИЙ РАҲБАР:

**Ф.Ф.Н., ДОЦ.
Ф. ЮЛДАШЕВА**

АНДИЖОН - 2014

Режа:

Кириш

1. Асосий қисм

1.1 “Маънавият” тушунчаси. Маънавиятнинг моҳияти.

1.2 Маънавиятни шакллантирувчи асосий мезонлар

1.3 Маънавият – жамият тараққиётининг асосларидан бири

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

*Маънавият – инсоннинг, халқнинг,
жамиyatнинг, давлатнинг куч-қудратидир.
И.А.Каримов*

Кириш

Ўзбекистонда мустақиллик қарор топгач маънавият соҳаси жамият тараққиётининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлиги остида иқтисодий ва сиёсий ислохотларни маънавий ислохотлар ҳамда давр руҳига мос равишда маънавий тикланиш ва маънавий янгиланиш билан биргаликда олиб бориш давлатимиз сиёсатининг асоси бўлди. Бундай йўлнинг танланишидан мақсад - Ўзбекистонни кучли демократик ва эркин фуқаролик жамиятига айлантиришдан иборатдир. Демак, давлатимиз томонидан демократик, миллий маънавий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги бу соҳадаги асосий тамойил сифатида танланиб олинди.

Шарқда, жумладан Ўзбекистонда азалдан маънавият иқтисодиёт соҳаси билан бир қаторда ижтимоий ҳаётда бош омиллардан бири ҳисобланган. Айниқса, ўтиш даври ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида жамият субъектларининг маънавияти жамият тараққиётини белгиловчи ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этиш мумкин. Ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий муваффақиятлар жамият ва шахснинг юксак маънавияти билан уйғунлашган тарздагина жамиятнинг юқори иқтисодий тараққиётга эришувини таъминлайди.. Маънавиятга таяниш ўтиш даврининг қийинчиликларини жамият учун оғриқсизроқ енгиб ўтишга имкон яратади.

Ўзбекистон ҳозирда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов бошчилигида жамиятни демократик йўлдан боровчи ва фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган тараққиётини миллатимиз тарихининг бой маданий – маънавий мероси, қадриятларига асосланган ҳолда таъминлашга интиломда. Яъни тарихий-миллий ва анъанавий қадриятларни ҳозирги даврнинг демократик, умуминсоний ва замонавий қадриятлари билан уйғунлаштириш тамойилини Ўзбекистон тараққиётининг асосий тамойилларидан бири сифатида танланди.

1.“Маънавият” тушунчаси. Маънавиятнинг моҳияти.

Жамиятнинг маънавият билан боғлиқ соҳасини таҳлил этиш жараёнида ҳамда бу соҳа билан боғлиқ бўлган бошқа ҳодисаларни ўрганиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан яратилган маънавият концепциясига назарий-

методологик асос сифатида таяниш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур концепция маънавий тараққиётнинг қуйидаги асосларини ўз ичига олади:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқ маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсон потенциалини эркин реализация қилиш;
- ватанпарварлик¹.

Ушбу концепцияни жамиятнинг маънавий тараққиёти, маънавий тикланиши ва янгилианишининг дастури сифатида қараш мумкин. Бу концепция миллий манфаатларимизни ифода этган ҳолда миллатимизнинг ижтимоий-маънавий эҳтиёжларига жавоб беради. Демак, маънавият “Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. ... Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир”².

Мустақилликка эришилганидан сўнгги даврда Ўзбекистон ҳаётида тубдан иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар юз берди. Уларга асосланган ҳолда миллатимиз ўзининг миллий ўзлиги, маънавияти ва миллий қадриятларига қайтди, диний қадриятларини қайтадан тиклади. Ўзининг миллий манфаатларини чуқурроқ ва кенгроқ англай бошлади. Бу жараёнлар билан боғлиқ тарзда маънавият ҳодисаси мамлакатимиз ва миллатимиз тарихининг барча босқичларида бўлгани каби янада долзарблик хусусияти касб этди.

“Маънавият” ижтимоий-фалсафий фанларнинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, жамият ижтимоий ҳаётининг муҳим соҳаларидан бирини ифода этади. Маънавият Ўзбекистонда иқтисодий соҳа билан бир қаторда муҳим ва устувор соҳа деб тан олинган. Демократияга асосланган фуқарлик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган ҳар қандай жамият маънавий соҳага суянмасдан ўз олдида қўйган вазифаларини амалга ошира олмайди. Шу нуқтаи назардан маънавият ҳодисасининг илмий-фалсафий таҳлил этиш ҳозирги давр ва келажак учун назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Маънавият соҳасини ўрганишнинг муҳимлиги бугунги кун талаби эканлигидан келиб чиқиб, деярли барча таълим муассасаларида ўқув дастурига “Маънавият асослари” курси киритилган. “Маънавият” - фалсафий тушунча бўлиб, унда жамият ва шахснинг ахлоқий, диний, эстетик, илмий, сиёсий дунёқараши, ўз-ўзини англаши, фаолияти ва объектив оламга муносабати турли шаклларда ифодаланади.

¹Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-Китоб.-Т.: Ўзбекистон, 1996.

²И.Каримов.Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.1-китоб, Т., 1996.80-81 б.

Маънавият соҳаси мураккаб тизимдан иборат бўлиб, у турли элементлар ва шаклларни ўзида бирлаштиради. Маънавиятнинг элементлари қаторига энг умумий тарзда хис-туйғу, кайфият, одоб, ишонч, эътиқод, билим, эрк кабиларни киритиш мумкин. Маънавиятнинг шакллари эса ахлоқ, дин, санъат, фан, сиёсат, ҳуқуқ ва фалсафа ташкил этади. Бир қараганда маънавият маданият билан бир хилга ўхшайди. Аммо маданият маънавий маданият билан бир қаторда моддий элементларни ҳам ўз ичига олиши билан фарқланади. “Маданият” тушунчаси “маънавият” тушунчасидан кенгрок. Улар моҳиятан бир-бирига яқин. Маънавий маданият маданиятнинг таркибий қисмига киради ва бу тушунча маданиятнинг турларидан бирини ифода этади.

Шарқда, жумладан Ўзбекистонда бошқа мамлакатлардан фарқ қилган ҳолда маънавият соҳаси доим ҳам жамиятнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан маънавият соҳасини муҳим ва устувор соҳалардан бири сифатида қайд этилиши мамлакатимиз раҳбарияти бу масалага катта эътибор билан қараётганидан далолат беради. Фикримизнинг далили сифатида И.Каримовнинг мазкур масалага алоҳида эътибор бераётганлиги ва айнан ана шу масалага бағишланган бир қанча асарлар яратганини эътироф этиб ўтиш мумкин. Жумладан “Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура.” (1996), “Ўзбекистон буюк келажак сари” (1998), “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (1997), “Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз” (1999), “Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” (2000), “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда”, “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”, “Юксак маънавият-енгилмас куч” (2008) каби бир қатор асарлари ана шулар жумласидан бўлиб, бу асарларда маънавият ҳодисасининг моҳияти, келиб чиқиши, тараққий этиш қонуниятлари, жамият ва инсон ҳаётидаги роли ҳамда унинг жамият тараққиётига таъсири масалалари атрофлича фалсафий таҳлил этилган. Маънавият масаласини таҳлил этиш борасида айниқса, И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асари алоҳида аҳамиятга эгадир. Асарда қуйидаги масалалар кенг ёритиб берилган:

- маънавиятни англаш, уни шакллантирувчи асосий мезонлар;
- маънавий ва моддий ҳаётнинг ўзаро алоқадорлиги ва уйғунлиги;
- миллий ғоянинг бевосита маънавий ҳаётга алоқадорлиги;
- жамиятнинг янгиланишида маънавиятнинг аҳамияти;
- ислохотларнинг маънавий мезонлари;
- глобаллашув шароитида маънавий таҳдидлар;
- маънавий таҳдидларга қарши курашнинг асосий жиҳатлари.

И.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “маънавият” кенг қамровли ва ўзида “жамият ҳайтидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам”³ этувчи тушунча эканлигини эътироф этади ва унга қуйидагича таъриф беради: “маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”⁴.

Кўриниб турибдики, мазкур таърифда маънавият ҳодисасига бир томондан, фақат инсонга хос бўлган, унинг ички дунёси, иродаси, эътиқоди, иймони ва виждонини билан боғлиқ бўлган ҳодиса сифатида ва иккинчи томондан, инсонга тегишли бўлган барча қарашларнинг мезони сифатида ёндашилган.

И.Каримов маънавиятни унинг негизини ва асосини белгилаб берувчи асосий хусусиятлар орқали таҳлил этишга ҳаракат қилади ва бу хусусиятларнинг қуйидаги жиҳатларини кўрсатиб ўтади: инсоннинг руҳан поклиги ва қалбан улуғлиги, одамнинг ички дунёси ва иродасининг бақувватлиги, иймон-эътиқодининг бутунлиги, виждоннинг поклиги ва уйғоқлиги. Бу нарсалар инсонни ҳамиша сергакликка чорлаб туриши зарур. Демак, “маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида онга сути, оила тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан катра-катра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшашаҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, уни янада кучайтиради”⁵.

И.Каримов инсоният тавриҳини бевосита маънавият тарихи билан боғлайди ва уни инсон, жамият, халқ ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат, одабийликнинг манбаи сифатида тавсифлайди. Шу нуқтаи назардан маънавиятни тушуниш учун энг аввало, инсонни тушуниш ва англаш зарурлигини уқтириб ўтади. Маънавиятини англаган инсон ўзлигини, қадр-қимматини англаган инсон. Инсоннинг ҳаёти маънавият билан узвий боғлиқ ҳолда кечади.

2.Маънавиятни шакллантирувчи асосий мезонлар

³Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”.-Т.: Маънавият, 2008.-20-б.

⁴ Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”.-Т.: Маънавият, 2008.-19-б.

⁵ Ўша асар. -28-б.

И.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида маънавиятни шакллантирувчи асосий мезонларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Муаллифнинг фикрича, миллий маънавиятни юксалтириш вазифаси маънавиятни шакллантирувчи ва унга таъсир этувчи барча омилларни ва мезонларни яхши таҳлил этишни талаб этади. Ҳар қандай маънавият уни ташувчи халқнинг тарихи, урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ажралмас қисмлари маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар ушбу маънавиятнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудуди тенгсиз маданий анъаналар, маданий бойликларга эга. Бу ердан жаҳонга машҳур бўлган буюк даҳолар етишиб чиққан ва дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган. Бу ҳақда И.Каримов куйидагиларни айтади: “Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму- уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилиши она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди”⁶.

Биргина “Авесто”нинг аҳамиятини айтишнинг ўзи кифоя. Бу муқаддас китоб асрлар давомида аждодларимиз тўплаган диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларни демакки, халқ маънавиятининг буюк дурдоналарини бизгача етказиб келган. Бу нарса ўлкамизда қадимдан цивилизация, маданият ва маънавият юксак тараққий этганлигидан далолат беради. “Авесто”да тараннум этилган эзгу фикр,

эзгу сўз ва ўзгу амал ғояси И.Каримовнинг уқтиришича, ҳозирги замон учун ҳам ғоят ибратлидир. “Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир”⁷.

И.Каримов миллий маънавиятимиз тараққиёти ва миллий ўзликни англаш жараёнида халқ оғзаки ижоди, жумладан “Алпомиш” достонининг ролини ҳам алоҳида таъкидлайди. Унда халқимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо, ватанпарварлик ва садоқат каби хусусиятлари ўз аксини топган.

⁶ Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. -Т.: Маънавият, 2008.-30 - б.

⁷ Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. -Т.: Маънавият, 2008.- 32-б.

“Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида кўтарилган фалсафий масалалардан яна бири – маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги масаласидир. И.Каримов фалсафа тарихида моддийлик ва маънавият ўртасидаги боғлиқликни таҳлил этувчи қадимий фалсафий қарашларга қарашларга тўхталиб (Сократ, Эпикур, Платон, Демокрит, Конфуций), уларда даврнинг хусусиятлари акс этганлигини эътироф этади. Муаллифнинг фикрига кўра, “ ... бу кўхна дунё, биз яшаётган ҳаёт ягона, яхлит бир воқелиқдир. Шунай экан, моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бирёклама қараш ифодаси, деб айтсак хато бўлмайди”⁸. Демак, бу ерда моддийлик ва маънавият ўртасидаги боғлиқлик масаласига плюралистик нуқтаи назардан тизимли ёндашилган, деб айтиш мумкин.

Маълумки, советлар даврида ҳукмрон бўлган марксизм мафкурасига кўра, жамият ва инсон тараққиётининг асосида моддийлик ётади, ва у жамият барча соҳаларининг тараққиётини ҳам белгилайди, деган фикр асосий ҳисобланар эди. Маънавият соҳаси моддий ҳаётнинг акси, уни ифода этувчи иккиламчи ҳодиса сифатида қаралар эди. Бундай қарашни танқид этган ҳолда И.Каримов бундай ёндашув инсоннинг руҳий дунёсини менсимаслик ва унга иккинчи даражали ҳодиса сифатида қараш жамият ҳаётининг инқирозга юз тутишига сабаб бўлиши мумкинлигини уқтиради ва инсонни “ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир”, деб атайди ҳамда инмон учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёслайди.

Моддий ва маънавий ҳаётнинг уйғунлиги инсон, давлат ва жамият тараққиётида ўсиш-ўзгариш, юксалишга олиб келади. Бу икки ҳодиса бир-бирини инкор этмаслиги, аксинча, ўзаро боғлиқ бўлиши ва бир-бирини тўлдириши зарур. Тараққиёт сари интилаётган ҳар қандай инсон ёки жамият ана шундай диалектик боғлиқлик асосида ҳам моддий ва ҳам маънавий жиҳатдан тараққий этгандагина юксакликларга эришиши мумкин.

Маълумки, мустақилликка эришгач, Ўзбекистон тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида бозор иқтисоди йўлини танлади. Ҳозирги ўтиш даврида юқорида қайд этилган масалалар, жумладан иқтисодий тараққиётнинг маънавий тараққиёт билан узвийликда бориши жамият учун улкан аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан “иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланиш жараёнларининг маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожланиб бориши” жамиятнинг диққат марказида бўлиши лозим. Бозор иқтисоди шароитларига мос равишда жамият аъзоларининг

⁸ Ўша асар. -67 - б.

дунёқараши, тафаккури ва маънавияти ўзгариб бормокда. Хусусий мулкка нисбатан кишиларнинг муносабати ҳам бутунлай ўзгарди. Бу соҳадаги асосий вазифа бозор иқтисодига, хусусий мулкка бўлган муносабатни маънавий қадриятларимиз, миллий анъаналар, гўзал урф-одатларимиз, инсоф, диёнат тамойилларига асосланишини таъминлашдан иборат.

3. Маънавият– жамият тараққиётининг асосларидан бири

И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида маънавиятнинг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти ва шу билан бирга бундай жамиятнинг асосчиси эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласини ҳам кенг таҳлил этади. Чунки ҳозирги даврда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги маънавиятнинг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, фан ва таълимнинг ривожланиши, инсон ва жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан боғлиқ. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан тарзда амалга ошиб бораётган бундай оламшумул ўзгаришларга мос равишда камол топган инсонни – ўзгаришларнинг субъектини тарбиялаш жамият олдида турган асосий вазифалардан бирига айланади. Бу ҳақда муаллиф шундай деб ёзади: Шу боисдан ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён - атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, аynи замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди”⁹.

Мазкур масалани амалга ошириш жараёнидаги асосий вазифаларни асар муаллифи қуйидагича талқин этади:

- миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш, уни асраш ва янада бойитиш;
- маърифат ва маданиятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- маданият ўчоқларини кўпайтириш, уларнинг шароитларини яхшилаш;
- маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт ишларини биринчи даражали режалар қаторидан жой олишини таъминлаш;

⁹ Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. -Т.: Маънавият, 2008.-77 - б.

- қайд этилган соҳаларда меҳнат қилаётган шифокорлар, маданий-оқартув масканлари ходимлари, олимлар ва ижодкорларга кишиларга эътиборни кучайтириш уларнинг иш шароитларини яхшилаш;
- ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига катта жавобгалик ҳисси билан ёндашиш¹⁰.

И.А.Каримов миллий тарихий меросга муносабат ҳақида тўхталар экан, бу йўлда бўлиши мумкин бўлган айрим хатоларни олдини олиш зарурлиги ҳақида ҳам уқтириб ўтади: Шу билан бирга тарихий кадриятлар, урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқа-олдини ўйламасдан, ёппасига бетартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик, бугунги давр ҳаётини қабул қилмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик зарур эди”¹¹.

Ҳозирги тез одимлар билан жадаллашиб бораётган тараққиёт асрида фақат миллий кадрятларимиз билан чекланиб қолиш, фақат уларга таяниш ҳам керакли натижаларга олиб келмаслиги асарда таъкидлаб ўтилади: “Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса сингари миллий кадриятларнинг ҳам ўзига хос ривожланиш қонунияти бор. Бу ҳақиқатни унутиш, миллий кадриятларни бирёқлама, сунъий равишда улуғлаш ва идеаллаштиришга уриниш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келиши ҳаётда кўп бора ўз исботини топган. Айниқса Ўзбекистон каби кўп миллатли, кўпконфессияли мамлакатда бундай ҳаракатлар охир-оқибатда миллатлараро зиддият, миллатчилик, миллий ва диний бетоқатлик каби нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин”¹².

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти учун фақат тарихий миллий кадриятларга таянишнинг ўзи камлик қилар экан, аксинча, уларга асосланган ҳолда бугунги замон талабларини ҳам ҳисобга олиш, замон талаблари асосида одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш зарур. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти шундай дейди: “Чиндан ҳам, агарки ҳозирги вақтда дунёвий илм-фан ва технологияларни чуқур ўзлаштирмасак, фақат тарихимиз олис аجدодларимизнинг кашфиётлари билан мақтаниб, уларга маҳлиё бўлиб яшайдиган бўлсак, ана шу ноёб меросни асраб-авайлаб, янада бойитиб, унга ўз ҳиссамизни қўшмасак, замон билан ҳамқадам бўлиб юрмасак, бизнинг жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллашимиз қийин бўлади.

Шунинг учун ҳам бу масалага ёндашувда ҳадиси шарифда айтилган “Бу дунёни деб у дунёни, охиратни деб бу дунёни унутманг” деган мазмундаги сўзларни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур, деб ўйлайман.

¹⁰ Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. -Т.: Маънавият, 2008. -78-80 б.

¹¹ Ўша асар.- 81 б.

¹² Ўша асар -82 - б.

Бизнинг маънавий ҳаётимиз ана шу икки асос, икки таянч нуқтанинг устида мустаҳкам туриши лозим. Бордию ана шу асослардан бирортаси бўшашгудек бўлса, яна ўзгаларга тобе ва қарам бўлишимиз ҳеч гап эмас”¹³. Демак, миллийликни замонавийлик билан уйғунлаштирган ҳолда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Асосий хулосалар

1.Маънавият – ягона, мураккаб ва дифференциал тизим бўлиб, бир қанча элементларни: ҳис – туйғу, кайфият, одоб, ишонч, билим, эътиқод ва бир қанча шаклларни: ахлоқ, санъат, дин, фан, сиёсат, ҳуқуқ, фалсафани ўз таркибига олади. Маънавият иқтисодиёт ва сиёсат билан бир қаторда жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

2.Жамият ва шахснинг маънавий тараққиёти Ўзбекистон тараққиётига ва мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

3. Жамиятнинг ўтиш даврида унинг тараққиётига хизмат қилиш потенциалига эга бўлган ҳар қандай маънавий қадриятлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

4. Маънавиятни ривожлантириш борасида мамлакатимиз ва миллатимиз тарихида синовдан ўтган, халқимизнинг тарихий миллий қадриятларига айланган маънавият элементлари ва шакллари тинмай қўллаш ва уларни ҳозирги замон талабларига мос равишда ривожлантириб бориш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-Китоб.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 2.И.Каримов.Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1- китоб, Т., 1996.
3. Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. -Т.: Маънавият, 2008.
- 4.Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил боскичлари .- Т.: Шарк,1996.
- 5.Жалолов А. Ўзбекистон мустақиллик, маънавият, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 6.Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. -Т.: Шарк,2001.
- 7.Миллий гоя ва маънавият. -Т.: Маънавият, 2002.
- 8.Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.-Т.: Университет,1998.

¹³ Каримов И. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. -Т.: Маънавият, 2008. -95-б.

